

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-сентябрь ойларида Навоий вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 13 270,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 4,0 % га ўсди.

2018 йил III-чорак яқунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 13 767,8 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,4 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Навоий вилоятининг кўшган хиссаси 5,4 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2017 йил январь-сентябрьга нисбатан, % да
	2017 йил январь-сентябрь	2018 йил январь-сентябрь	
I. ЯҲМ	8546,8	13270,8	104,0
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	8233,5	12732,3	104,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	313,3	538,5	104,7
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	8233,5	12732,3	104,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1246,8	1709,8	102,1
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	4997,3	8564,7	103,1
саноат	4571,6	7946,9	101,2
қурилиш	425,7	617,8	123,1
хизматлар	1989,4	2457,8	107,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	561,6	692,0	104,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	375,1	435,5	111,4
бошқа хизмат	1052,7	1330,3	108,0

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,1 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 13,4 %), саноат (қурилишни қўшган ҳолда) – 103,1 % (67,3 %), қурилиш – 123,1 % (4,9 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,4 % (5,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 111,4 % (3,4 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 108,0 % (10,5 %) ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-сентябрида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Иқтисодий фаолият турлари


Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 95,9 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 4,1 % ни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан фоизда):

2017 йил январь-сентябрь



2018 йил январь-сентябрь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 6,6 % пунктга кўпайди ва ҳисобот йилида 67,3 % ни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилнинг III-чорагида 13,4 % ни ташкил этди ва 2017 йил III-чораги (15,1 %) билан таққосланганда 1,7 % пунктга, Хизматлар соҳаси 19,3 % ни ташкил этди ва 2017 йил (24,2 %) билан таққосланганда 4,9 % пунктга камайди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(2018 йил январ-сентябр, жамига нисбатан фоизда):**

2017 йил



2018 йил



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва
йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими
Нашр учун масъул: А.Қўлдошев
Тел: (0371) 230-84-33**